2008 ЙИЛ, 18 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 31 (11.092) Баҳоси эркин нархда

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, 15 ФЕВРАЛЬ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. СЕССИЯДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚ СЎЗЛАДИ.**

Хоразм вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, бу ўлкада мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга солиш, ер ости, ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, янги иш жойларини ташкил қилиш ва шулар ҳисобидан шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражаси ва маданиятини юксалтириш, уларни рози қилиш ҳар доим бизнинг энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлиб келмоқда, деди Президент.

Ана шу мақсадларга эришиш йўлида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда, уларнинг суръат ва самараси вилоят ҳаётида, одамларнинг кундалик турмушида ўз ифодасини топмоқда.

Хоразм воҳасининг охирги йилларда эришган марралари ҳақида гапирганда, бир муҳим фикрни алоҳида таъкидлаш зарур. Яъни, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий натижалари, янги-янги қурилишлар, вилоят маркази, шаҳар ва туманларнинг қиёфаси тобора обод бўлиб бораётгани, қишлоқ хўжалиги соҳасида нисбатан оғир шароитга қарамасдан, ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлигини кўтариш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар Хоразмнинг бошқа вилоятлардан кам бўлмасдан, изчил ривожланаётганидан далолат беради. Шу борада баъзи бир рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2007 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг салкам 8 фоизга, саноат – 11,8 фоизга, капитал қурилиш – 11,6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси – 19,7 фоизга ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибидаги улуши республикада энг юқори кўрсаткични, яъни 64,4 фоизни ташкил этгани ёки бир йилда икки баробар ўсгани, ҳудуддаги мавжуд қўшма корхоналарнинг экспортдаги ҳиссаси ортиб бораётгани – бундай ютуқларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин – буларнинг барчаси вилоятнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатиб турибди, дея қайд этди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида бугун вилоятда 19 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда, энг муҳими, уларга хизмат кўрсатиш бўйича зарур шарт-шароит, таъминот шохобчалари ва инфратузилма яратиб берилган.

Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ечиш йўлида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Воҳанинг мураккаб табиий шароитида қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Шу борада 2007 йилда вилоятда 490 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди, 46 километрлик ичимлик суви, 46,4 километрлик табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Айниқса, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудуднинг санитария ва гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган "Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Қадимдан илму маърифат, юксак маънавият маскани бўлиб келган Хоразм заминида ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, энг аввало, уларга замонавий билим бериш, зарур касб-ҳунарларга ўргатиш борасида қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз барчамизга мамнуният бағишлайди. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда 5 минг 400 нафар ўқувчига мўлжалланган 8 та касб-ҳунар коллежи, 555 ўқувчи таълим оладиган 1 та академик лицей барпо этилди, 9 минг 800 ўринли 32 та мактаб янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди.

Биз бу ўзгаришларнинг барчасини ёш авлодимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида амалга ошираётган энг катта ишларимиз, деб баҳолаймиз, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз, жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам кейинги йилларда вилоятда эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

«Ташаббус — 2008»



# МАҲОРАТ ВА ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

**ТАШАББУС ЎЗ-ЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛМАЙДИ. У ЯНГИЛИКЛАРНИНГ, ЯНГИ ҒОЯЛАРНИНГ, ЯХШИ ЭЗГУ-МАҚСАДЛАРНИНГ ИФОДАЧИСИ БЎЛИБ ДУНЁГА КЕЛАДИ. АНА ШУНДА У КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗАДИ, БУНДАЙ ТАШАББУСНИНГ ИЗДОШЛАРИ КЎП БЎЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА 1996 ЙИЛДАН БОШЛАБ ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ АНЪАНАВИЙ ТУС ОЛДИ.**

Куни кеча пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган тадбиркор ва ҳунармандлар бу йилги «Ташаббус — 2008» кўрик-танловини кўтаринки кайфиятда нафақат шаҳримизда, балки республикамизда биринчилардан бўлиб бошлаб беришди. Муҳташам «Шарқ» ресторанида ташкил этилган ушбу тадбирни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Бердимурод Турсунов очиб, ўз маҳоратларини намойиш этиш истагида кўрик-танловда иштирок этаётган тадбиркор ва ҳунармандларга омад тилади. Шу ўринда уларнинг иқтисодиётимиз ривожи, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги самарали меҳнатларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

**(Давоми 2-бетда).**

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев бошқарган йиғилишда ўтган йили шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муайян натижаларга эришилгани таъкидланди. 2007 йилда шаҳарнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 14,7 фоиз, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 23,1 фоиз ортди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 21,6 фоиз, пудрат-қурилиш ишлари ҳажми 21 фоиз, чакана савдо айланмаси 23,7 фоиз ва умумий хизматлар ҳажми 25,6 фоиз ўсди.

Иқтисодий ўсиш суръатларида хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2007 йилда жами хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 66,5 фоизни ташкил этди.

Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг амалиётга кенг ва изчил татбиқ этилиши, текширишларнинг қисқарганлиги, бизнес юритиш учун молия харажатлари ва вақтнинг тежалиши натижасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони янада ортди. Хусусий бизнес учун қулай шароит яратилиши, экспортбоп маҳсулотларнинг салмоқли даражада ўсиши ҳисобига шаҳарнинг экспорти 45,8 фоизга ўсди.

Пойтахтимизда аҳолини иш билан таъминлашга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 59,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Уйда ишлашни ривожлантириш, йирик саноат корхоналарида касаначилик асосидаги иш ўринларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳада бошқарув самарадорлигини ошириш, коммунал хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш йўлида кўп ижобий силжишлар бўлди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида янги таълим-тарбия муассасалари қурилди, мавжудлари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Шу билан бирга спорт масканлари, поликлиникалар, маҳалла гузарлари, йўллар, кўприклар барпо этилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида кам таъминланган, эҳтиёжманд, серфарзанд оилаларга, ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЕМИНАР "СОЛИҚ ВА БОШҚА ИҚТИСОДИЙ ИМТИЁЗЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ" МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ.**

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА БИЗНЕС

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралда бўлиб ўтган 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, фақат 2000–2007 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 10 фоизга туширилди. 2007 йилда мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар солиқ имтиёзлари берилиши ҳисобидангина ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда, анчагина тўлдиришга муваффақ бўлдилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юки пасайтирилганлиги аҳамияти семинар иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизга камайтирилади. Шу зайл кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун, аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини ошириш муаммоларини худди шу негизда ҳал этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади, мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ортиб, рақобатбардошлик кучаяди. Тижорат банклари учун даромад солиғи 17 фоиздан 15 фоизга туширилади, шунинг натижасида бўшатиб олинадиган маблағлар банкларнинг капиталлашувини оширишга мақсадли равишда йўналтирилади. Булар эса ўз навбатида банкларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга, уларнинг инвестиция жараёнларидаги, таркибий ўзгартишлар ва иқтисодиётни модернизация қилишдаги иштирокини янада кенгайтиришга олиб келади.

Бундан ташқари, тижорат банклари янги ташкил топган микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятларини йўлга қўйиб олишлари учун бирламчи капитални шакллантиришга қарата имтиёзли микрокредитлар бермоқда. Микрофирмаларни, оилавий бизнес ва касаначиликни рағбатлантириш ҳамда уларнинг равнақ топишини қўллаб-қувватлаш асосида тадбиркорлик соҳасини янада кенгайтириш мақсадида "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг рақобатлашув лаёқатини рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель, биллур маҳсулотлар, видео ва аудио аппаратларга солинадиган акциз солиғи бекор қилинди. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси бўлмиш барча хўжалик юритувчи субъектлар учун божхона тўловлари тўлашнинг ягона тартибини белгилаш, шунингдек, олиб кирилаётган ёғоч-тахта учун юридик шахслардан олинадиган қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкасини жорий этиш йўли билан божхона тартиб-таомиллари соддалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур устувор йўналишлар бўйича, айниқса, минтақаларда, тадбиркорлар орасида ва меҳнат жамоаларида олиб бориладиган тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш зарурлиги семинар иштирокчилари томонидан таъкидлаб ўтилди. Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юки камайтирилганлигининг аҳамиятини, солиқ борасида бериладиган имтиёзларни жойларда кўпинча яхши билмайдилар, молиявий-иқтисодий имтиёзлардан фойдаланишда бўшатиб олинаётган маблағларни инвестициялашга ва рақобатбардошликни мустаҳкамлашга собит тарзда йўналтириш ўрнига уларни ички эҳтиёжлар учун қайта тақсимлаш билангина чекланиб қолмоқдалар. Имтиёз белгиланганидан кейинги даврни мониторинг қилиб бориш ҳамда солиқ ва бошқа иқтисодий имтиёзлар самарадорлиги ҳисобини юритиш механизми ишлаб чиқилмаган.

Семинар иштирокчилари молиявий-иқтисодий имтиёзлар самарадорлигини оширишга ҳамда улардан аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда фойдаланишга оид, бундай имтиёзларнинг бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишдаги рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга доир таклифлар билдирдилар, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Тадбирда сенаторлар, Молия, Иқтисодиёт, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат Божхона ва Солиқ қўмиталари, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Олий хўжалик суди, Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари, олимлар, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталарида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор масалаларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.**

**• «Экосан» халқаро ташкилоти Республика Фанлар академияси ва бир қатор давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Глобаллашув ва экологик таҳдидлар шароитида ёшларнинг рақобатбардошлиги — ютуқлар омили» мавзуида ёшлар экофорумини ташкил этди.**

**• «Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши янги ташаббус билан чиқди. Унга кўра, қорақалпоғистонлик бир гуруҳ ёш фермер ва тадбиркорларнинг марафони уюштирилди. «Ўлкамизга саёҳат» шиори остида ўтказилаётган ушбу марафонда ёш фермерларнинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳати ҳамда турли учрашувларда иштирок этиши кўзда тутилган.**

**• Қарши давлат университетида қишлоқ фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсининг битирувчиларига сертификат топширилди. Курсда университет профессор-ўқитувчилари бир ой давомида жойларда маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, ахлоқий тарбияни юксалтириш борасида машғулотлар олиб бордилар.**

**• Марғилон шаҳрида ЮНЕСКО қошидаги миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш марказининг ташкил этилиши воҳа ёшлари учун катта воқеа бўлди. Айни кунда марказда 150 нафардан ортиқ ёшлар миллий ҳунармандчиликнинг турли йўналишларида тажрибали усталар кўмагида малака ва маҳоратларини оширишмоқда. Ушбу марказ ёшлари Марғилон атласлари, адрас ва шойи матоларининг янги ва ноёб нусхаларини яратиш борасида изланишлар олиб боришмоқда.**

**•Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка қисмида жойлашган Шуманай туманида педагогика коллежи учун янги бино қурилиши бошланди. Уни «Қорақалпоқтаъмир» акциядорлик жамиятининг учинчи бошқармаси амалга оширяпти. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган ушбу иншоотда бир миллиард 342 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.**

**•Бўстон шаҳридаги «Элликқалъа Виллаж сервис» масъулияти чекланган жамияти Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманлари фермер хўжаликларига маъданли ўғит етказиб бера бошлади.**

### ЖАҲОНДА

**• Кечадан Россиядаги Президент сайловлари олдидан Россия фуқаролари яшайдиган 43 та мамлакатдаги дипломатик корпуслар қошида тузилган сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари бошланди.**

**• Кеча Косово парламенти ўлканинг Сербия таркибидан чиқиб мустақиллик эълон қилганлиги тўғрисидаги декларацияни тасдиқлади. Косовонинг бундай сиёсий қадами жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кескин норозилик уйғотди.**

**• Покистондаги парламент сайловлари олдидан мамлакатнинг турли ҳудудларида кетма-кет террорчилик ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Пешовар шаҳри атрофида уюштирилган митинг чоғида террорчи камикадзенинг кишилар орасида портлаш содир этганлиги натижасида 40 киши ҳаётдан кўз юмди, юздан ортиқ аҳоли тан жароҳатларини олди. Шунингдек, турли ҳудудларда жойлашган 6 та сайлов участкаси ҳам портлатилди.**

**• Чад Республикаси Президенти Идрис Деби мамлакатдаги тартибсизлик туфайли фавқулодда ҳолат эълон қилди. Маҳаллий радио ва телевидение орқали чиқиш қилган Президентнинг айтишича, фавқулодда ҳолат 15 февралдан бошланиб, 15 кун давомида амал қилади. Унинг фикрича, бу мамлакатда барқарорлик ва ҳукумат фаолиятини таъминлаш учун ўта зарур.**

**• Хитойнинг Шарқий Чжэцзян музофотидаги ресторанлардан бирида кучли ёнғин содир бўлди. Ёнғин оқибатида 11 киши ҳалок бўлди, 15 нафар киши турли даражадаги жароҳатлар олиб, шифохонага ётқизилди. Фожеа сабаблари аниқланмоқда.**

**• АҚШнинг Шимолий Иллинойс университетида қуролланган шахснинг дарс пайтида аудиторияга бостириб кириб талабаларга қарши бир неча марта ўқ узиши оқибатида бешта талаба ҳалок бўлган, 17 киши жиддий жароҳатланган. Полиция ходимлари ўқ узган шахсни аниқлади.**

**• Кеча Нижний Новгород шаҳрининг тарихий қисмида жойлашган бозорда кучли ёнғин чиқди. Уни бартараф этиш учун 30 та ўт ўчириш машинаси саккиз соат давомида саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Ёнғиндан қурбонлар ва тан жароҳати олганлар йўқ.**

**• Кеча Германияда ўтказилган энг оғир вазндаги профессионал боксчилар ўртасида жаҳон тожини қўлга киритиш учун ҳал қилувчи беллашувда қатнашиш ҳуқуқини берувчи баҳсда россиялик чарм қўлқоп устаси Николай Валуев Сергей Ляхович (Беларусь) устидан ғолиб чиқди.**

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Жумладан, Республика ихтисослашган урология маркази ва Шошилинч тиббий ёрдам марказининг Урганч филиаллари, вилоят марказий болалар шифохонаси, кардиохирургия бўлими, онкология шифохонаси, "Хонқа санаторийси" каби замонавий тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилганини соғлиқни сақлаш соҳасида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг амалий натижаси сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Шулар қаторида 2007 йилда 2 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилиб, уларнинг умумий сони 65 тага етгани аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хоразм вилоятининг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш йўлида қилинган ана шундай ишларни тан олиш билан бирга, бу ерда ҳалибери ечилмаган масалалар ва одамларни қийнаб келаётган кўпгина муаммолар борлигини, уларни ҳал этишга етарли даражада эътибор берилмаётганини ҳам қайд этиш зарур, деди Президент.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, саноат соҳасида оқсоқлик ҳолатлари мавжудлигини очиқ айтиш керак. Буни ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши охирги 7 йил давомида ўзгармасдан, 8 фоиз даражасида қолиб келаётгани ҳам исботлайди.

Вилоятда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик сурункали тус олаётгани ташвиш уйғотади. Масалан, мавжуд қувватлардан ун ишлаб чиқаришда 41 фоиз, ўсимлик мойи бўйича 54 фоиз, гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш бўйича 42 фоиз, трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда 40 фоиз, омухта ем тайёрлашда эса 12 фоиз фойдаланилмоқда, холос.

Бунга кўп ҳолларда хомашё ва ресурслар етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Лекин, аслида, бунинг сабаби ишни замонавий асосда, тўғри ташкил этолмаслик, изланувчанлик, ташаббус ва тадбиркорликнинг етишмаслигида, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Мисол учун, 2007 йилда вилоят бўйича тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестиция миқдори мамлакатимиз миқёсидаги кўрсаткичнинг атиги 1,4 фоизини ташкил этиши албатта ҳеч кимни қониқтирмайди.

Ўтган йили бевосита Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан хорижий инвестициялар иштирокидаги биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаган.

Гарчи 2007 йил якунлари бўйича вилоят дотациядан чиққан бўлса-да, бир қатор туманлар, хусусан, Гурлан, Шовот, Янгиариқ, Қўшкўпир ва Янгибозор туманлари ҳамон дотацияда қолиб келаётганини афсус билан қайд этиш керак.

Шундан сўнг Президент Хоразм иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳолининг асосий даромад манбаи бўлмиш, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 41,5 фоизини ташкил этадиган етакчи тармоқ – қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳақида тўхталиб ўтди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги энг катта муаммо – бу ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги, унинг бонитети пасайиб бораётгани билан боғлиқ. Бу муаммо, айниқса, Хоразм воҳаси учун қанчалик муҳим ва долзарб экани тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Бугунги кунда вилоятда 28 минг гектар ёки 10 фоиздан ортиқ суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз аҳволда бўлиб, бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганини барчамиз яхши тушунамиз. Республика миқёсида эса бу кўрсаткич 8 фоизни ташкил этмоқда.

Хоразмдаги вазиятнинг мураккаб томони шундаки, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг салкам 60 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланган. 220 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сувлари ўта яқин, яъни бир ярим-икки метр чуқурликда жойлашгани ҳам бу соҳада қўшимча қийинчиликларни туғдирмоқда.

Натижада кейинги 10 йилда суғориладиган майдонларнинг ўртача ер бонитети вилоят бўйича 2 баллга, Қўшкўпир ва Урганч, Ҳазорасп ва Хонқа, Хива ва Янгиариқ туманларида эса 6 баллгача пасайиб кетгани кузатилмоқда.

Агар бу ўткир масала ҳақида бугун ўйламасак, деди давлатимиз раҳбари, бу муаммо йилдан-йилга кучайиб қандай салбий оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Барчамизга аёнки, Хоразм заминида одамлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай фидокорона меҳнат қилмоқда, миришкор деҳқонлар, моҳир фермерлар ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатмоқда. Лекин шундай бир шароитда ерларнинг мелиоратив ҳолати ана шу меҳнатнинг самарасидан тўлиқ баҳраманд бўлиш, етарли даромад олиш ва соҳани барқарор ривожлантиришга ғов бўлиб турибди.

Шунинг учун ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича яқинда қабул қилинган давлат дастурида бошқа ҳудуд ва минтақалар қаторида бу масалада Хоразм вилоятида юзага келган аҳволни тубдан ўзгартиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2008-2012 йилларда вилоят бўйича қарийб 40 миллиард сўм, жумладан, 2008 йилнинг ўзида 6 миллиард сўм ҳажмидаги мелиорация ишлари амалга оширилади. Бу эса бошқа вилоятларга нисбатан икки баробар кўп демакдир. Шуни ҳам таъкидлаш кераккки, кейинги икки йил давомида вилоятга 50 дан ортиқ хорижда ишлаб чиқарилган замонавий мелиорация техникалари олиб келинди. Келгусида яна 20 та ана шундай техника сотиб олиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, 165 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида 60 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа ишлари амалга оширилади.

Ҳеч шубҳасиз, белгиланган ана шундай комплекс дастурлар вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, ҳосилдорликни кўтариш, энг муҳими, деҳқонларимизнинг ўз меҳнатидан ҳар томонлама манфаат топиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Юртбошимиз мажлис аҳли эътиборини яна бир муаммога қаратди. Бу вилоятда пахтачилик соҳасидаги аҳвол билан боғлиқ. Сўнгги йилларда воҳада пахта ҳосилдорлиги сурункасига пасайиб бормоқда. Кейинги тўрт йил давомида ҳосилдорлик ўртача 1,3 центнерга камайди. Айниқса, Қўшкўпир, Урганч ва Ҳазорасп туманларида ҳосилдорлик даражаси паст бўлиб, ўтган йили гектарига ўртача 20-22 центнерни ташкил этганини албатта ижобий баҳолаб бўлмайди.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида кўп гапирмасдан, биргина масала – яъни, Хоразмнинг тупроқ, сув ва иқлим шароитига ҳар томонлама мос келадиган, серҳосил ва эртапишар навларни яратиш масаласини олайлик.

Маълумки, Хоразм вилоятида 20-30 йил давомида "175-Ф" деган ғўза нави экиб келинди. Айтиш кераки, бу жуда инжиқ, нозик нав бўлиб, бугунги кунда ундан воз кечилди. Ҳозирги вақтда вилоятда "Меҳнат" ва "Хоразм-127" навлари экилмоқда. Улар янги районлаштирилган навлар бўлиб, афсуски, ҳосилдорлиги ва дунё бозорида харид нархи етарли даражада эмас.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, авваламбор, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва мутасадди идоралар воҳада селекция ва уруғчилик, навларни танлаб экиш ва синовдан ўтказиш ишларини кучайтириш ва шу асосда маҳаллий шароитга мос келадиган истиқболли ғўза навларини яратиш масаласини ҳал қилиши зарур, деб таъкидлади Президент.

Бугунги кунда вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам кун тартибида долзарб бўлиб турибди. Шу борада биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу масала бўйича мавжуд аҳволнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2007 йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган қарийб 15 минг 900 нафар ўқувчининг фақат 9 минг нафари ишга жойлаштирилган, холос.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бу масалага мамлакатимиз раҳбари алоҳида тўхталган эди. Бу ўта муҳим масалани тегишли мутасадди ташкилот ва идоралар маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда ҳар томонлама чуқур ўрганиб, касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган ёшларимизни замонавий иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган амалий чораларни кўришлари шарт, деди Президент.

Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, йўлларни таъмирлаш бўйича ички имкониятларни ишга солиш, ҳомийларни жалб этиш масаласида, афсуски, кўпгина туман ва шаҳар раҳбарларида ташаббус етишмаётганини очиқ айтишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, обод ва тўкин, одамнинг ҳавасини тортадиган бозорларни кўрасиз. Бозорлар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигининг кўзгусига айланиб қолди. Лекин, таассуфки, Хоразм вилоятининг ҳамма туманларида ҳам бу масала ҳал этилган, деб бўлмайди. Хусусан, вилоятдаги мавжуд 28 та деҳқон ва буюм бозорининг 16 таси қайта қуриш ва таъмирлашга муҳтож экани ана шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Юртбошимиз сессия иштирокчиларининг эътиборини Урганч шаҳрининг бош майдонини тартибга келтириш, уни миллий ва замонавий меъморчилик ютуқлари асосида қайтадан барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратди.

Афсусланарли томони шундаки, вилоятнинг қиёфасини кўрсатадиган, таъбир жоиз бўлса, унинг юзи бўлган мана шу майдонни обод қилиш, бу ерда одамлар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш масаласи узоқ йиллар давомида вилоят ва шаҳар раҳбариятининг эътиборидан мутлақо четда бўлиб келди.

Фақатгина Тошкентдан туриб, ушбу масалани бир неча марта кун тартибига қўйиб, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилганидан кейингина бу борада амалий ишлар бошланганини айтиш лозим.

Шундан сўнг Президентимиз вилоятда қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги аҳвол, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, бу соҳадаги вазият ташвиш уйғотади. Вилоятда биргина 2007 йилнинг ўзида оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасддан оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, безорилик кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсгани, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар кўпайгани кузатиляпти. Кейинги йилларда мансабдор шахслар томонидан порахўрлик ва ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, уларнинг содир этилаётган жиноятларда иштирок этган ҳолатлари бўйича мисолларни келтириш мумкин.

Прокуратура органлари томонидан олиб борилган тергов материаллари асосида суд ҳукми бўйича мана шу жиноятларни содир этган шахслардан етказилган иқтисодий зарар тўлиқ ундириб олинди ва улар қонун талабларига мувофиқ жавобгарликка тортилди.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизда ҳали-бери учраб турадиган бундай жирканч ишларнинг олдини олиш, уларни таг-томири билан бартараф этиш – бу авваламбор қонун муҳофазасида, қонун ҳимоясида турган идоралар – бу прокуратура бўладими, милиция ёки суд органлари бўладими – уларнинг асосий вазифаси ва бурчи бўлиши керак, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Нега деганда, бундай ҳолатлар жамиятимизнинг олдинга юришига, юртимизнинг барқарорлигини сақлашга, фуқароларимизнинг тинчлиги ва ҳимоясини таъминлашга, энг муҳими, одамларимизнинг эртанги кунга, адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга катта зарар етказади.

Фуқароларимиз қонун устуворлигини, содда қилиб айтганда, ким қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, қонун барчамиз учун баробар эканини ва қонунни бузган тақдирда ҳамма учун жазо муқаррар бўлишининг тасдиғини амалда кўриши шарт.

Шундан кейин аҳолининг ҳокимиятга ҳам, адолатга ҳам ишончи кучайиши ва жамиятимизда соғлом муҳитни ташкил қилишимиз мумкин бўлади.

Шу маънода, мана шундай тамойилларни ҳаётимизда ҳар томонлама қарор топтириш, одамларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини мустаҳкамлаш авваламбор шу юртнинг етакчиси бўлмиш раҳбарга, ҳокимга кўп жиҳатдан боғлиқ эканини англаш қийин эмас. Бу ҳақиқатни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўриш мумкин ва бугун буни ортиқча исбот қилиб ўтиришга ҳожат йўқ.

Шундан кейин Президент кун тартибига қўйилган ташкилий масала ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Хоразм вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Ислом Бобожоновнинг фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, бу одам тўққиз йил давомида вилоятга раҳбарлик қилди. Табиийки, Хоразм воҳасининг ана шу даврда эришган барча ютуқларида унинг ҳам ҳиссаси бор.

Эътироф этиш керак – бу раҳбар дастлабки пайтларда фаол ишлади, мавжуд муаммоларни ечиш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, вилоятни ривожлантириш учун анча ҳаракат қилди. Лекин, очиғини айтиш кераки, кейинги йилларда вилоятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда принципиаллик кўрсата олмади, атрофида гирдикапалак бўлиб юрган ҳар хил хушомадгўй кимсаларга, таниш-билиш, қариндош-уруғларига нисбатан сезгирлиги ва қатъиятини йўқотди. Ва энг ачинарли томони шуки, жиноят йўлига ўтган, қинғир-қийшиқ ишлар билан шуғулланиб юрган бузғунчи одамларнинг таъсирига тушиб қолди.

Мен қаерда бўлмасин, ўзимнинг кўплаб чиқишларимда бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳақида, раҳбарларнинг қатъиятлиги ва ҳалоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши зарурлиги ҳақида қайта-қайта даъват этишим бежиз эмас, албатта, деди Юртбошимиз.

Минг афсуски, кўпгина ҳолатларда ўзи шу юртда туғилиб ўсган, унинг сувини ичган туппа-тузук баъзи инсонлар масъул лавозимни эгаллагач, тўрт-беш йил давомида боши айланиб, иродаси сусайиб, ўзини йўқотиб қўйиб, оқни қорадан ажратишга заиф бўлиб қолар экан.

Бу эса, муҳитнинг бузилишига, адолатсизликка сабаб бўлади. Муҳит бузилган жойда эса, раҳбарга ишонч ва ҳурмат йўқолади, иш ўрнига гуруҳбозлик, ўзаро зиддият ва низолар кучаяди, юртдан барака кўтарилади.

Ҳар қайси раҳбар – у ҳоким ёки вазир бўладими, корхона ёки жамоа бошлиғи бўладими – ўз қатъияти ва талабчанлигини қачон ифода этиши, қачон тўла намоён қилиши мумкин?

Қачонки бошқаларга ўрнак бўлиб, ҳеч кимдан тили қисиқ бўлмаса, ҳеч кимнинг олдида муттаҳамлиги бўлмаса. Одамларнинг кўзига тик қараб, бошини баланд кўтариб юришга қодир бўлса.

Энг асосийси, давлат ва халқ ишонч билдирган раҳбарнинг оёғи ердан узилиб, салбий томонга ўзгаришини кимки одамлар сезмайди, билмайди, деб ўйласа, қаттиқ янглишади.

Эл-юрт кўп нарсадан хабардор, ҳаммасини кузатади, яхши билади, ўз хулосасини чиқаради. Натижада бундай раҳбар одамлар ўртасида, жамоа назарида, халқнинг кўз ўнгида ўз обрўсини йўқотади, деб қайд этди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. И.Бобожонов Хоразм вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Оллаберган Оллаберганов Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қабул қилинган қарорга асосланиб келгуси йилда республикамизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда, деди Юртбошимиз. Бу дастурларда барча ҳудуд ва минтақаларимиз қатори Хоразм вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга доир режа ва лойиҳалар ҳам – бу саноат ёки қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўладими, янги йўллар, газ ва сув тармоқлари, таълим-тарбия, маданият ва шифо масканлари ёки тураржойлар барпо этиш бўладими – албатта ўзининг ифодасини топиши ва амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунга ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Қадимий Хоразм воҳасининг мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ва ўзига мос бетакрор ўрни бор. Хоразм аҳли маррани баланд қўйиб, келажакка катта умид ва ишонч билан қарайдиган халқ.

Ўз юрти, ўз ерига юксак муҳаббат ва садоқат туйғуси, ҳалол ва мардона меҳнати билан буюк аждодлар руҳини эъзозлаб, ўзлигини асраб келаётган бундай олижаноб элга хизмат қилиш ўзини раҳбар ва етакчи деган ҳар қайси инсон учун катта бахт, катта шарафдир.

Хоразм вилоятининг бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбари ана шу ҳақиқатни ўзи учун асосий мезон деб билса, шу аснода одамларнинг қалбига йўл топиб, бутун воҳа аҳлини ўз ортидан эргаштира олса, ҳеч шубҳасиз, эл-юрт ишончини оқлашга эришади, деди пировардида Ислом Каримов.

Сессияда сўзга чиққан "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Р.Қутлимуродов, Қизил ярим ой жамияти Боғот тумани бўлими раисаси Б.Машарипова, "Тошсоқа ирригация тизимлари" бошқармаси бошлиғи Ш.Бекжонов, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ва бошқалар Президентимиз нутқида билдирилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий вазифаси эканини алоҳида таъкидладилар.

**(ЎзА)**

Иқтисодиёт

## ЧИДАМЛИ ВА МУСТАҲКАМ

**БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН ҲАР БИР БИНОНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИЮ, КЎРКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА, УЛАРГА ЎЗГАЧА ҚИЁФА БАҒИШЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Халқаро кўргазмаларда ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб сифат сертификати ва мукофотларга лойиқ топилган «SV CO LD» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган том ёпиш черепицалари мустаҳкамлиги, чидамлилиги, ўрнатишга қулай ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Буюртмачиларга яна бир афзал томонини инобатга оладиган бўлсак, талабга кўра корхона мутахассислари ўзлари тайёрлаган черепицаларни ўрнатиб ҳам беради. Бу албатта, буюртмачи учун ишончли ва қулайдир.

— Корхонамизда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган черепицалар асосан маҳаллий хом ашё —қум ва цементдан фойдаланган ҳолда тайёрланади, — дейди корхона раҳбари Шаҳобиддин Набиев. — Маҳсулотларимиз экологик тоза бўлиб, уларни немис технологияларидан самарали фойдаланиб тайёрлаймиз. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимизга ўн йил бўлди. Шу давр мобайнида буюртмаларимиз кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин оширишга эришяпмиз. Пойтахтимиздаги кўплаб бинолар, турар жойларнинг томини ёпишда маҳсулотларимиздан фойдаланилади. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятларда бунёд этилган лицей ҳамда коллежларнинг бунёдкорлик ишларида сифатли, рақобатбардош черепицаларимиз қўлланилмоқда. Буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотларимиз ҳажми ва рангига эътибор қаратамиз. Бунинг учун керакли пигментларни самарали қўллаймиз. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу маҳсулотимиз ҳар қандай об-ҳаво шароитига мослашган бўлиб узоқ вақт хизмат кўрсатиши билан аҳамиятлидир.

Тадбиркорлар харидорларга қулайлик яратиш мақсадида республикамизнинг Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида, Нукус шаҳрида ўз филиаллари фаолиятини йўлга қўйишган. Корхона мутахассисларининг изланишлари самараси бўлган кичик дастгоҳ — черепица ишлаб чиқариш ускуналари эса кичик корхона тадбиркорларига ниҳоятда қўл келади.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РАВНАҚИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИДА, БАНДЛИК МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШДА ҲАМ СОҲАНИНГ УЛУШИ САЛМОҚЛИ.**

Шу боис ҳам юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар уларнинг сафи тобора кенгайишида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш сифати ва рақобатбардошлиги ортишида катта роль ўйнамоқда.

Хусусий тадбиркор Гулчеҳра Маннопованинг фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у ташкил этган кичик цеҳда тайёрланаётган хилма-хил пицца ва булочка маҳсулотлари харидорини топиб улгурди. Хусусий тадбиркор билан биргаликда меҳнат қилаётган 7 нафар ишчининг маҳорати билан тайёрланаётган 15 хилдан зиёд сифатли ва тўйимли маҳсулотлар савдо шохобчаларига, лицей ва мактабларга етказиб берилмоқда.

— Маҳсулотларимизни маҳаллий хом ашёдан тайёрлаймиз—дейди Гулчеҳра Маннопова. — Уларнинг сифатини таъминлашда бизга Россиядан келтириб ўрнатилган замонавий печлар қўл келмоқда. Имкониятларимиздан келиб чиқиб келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга саъй-ҳаракат қиляпмиз. Албатта, бу билан ҳам маҳсулотларимиз тури кўпаяди, ҳам хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринларини яратамиз.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

## «МОНАРХ» САВДО БЕЛГИСИ БИЛАН

**ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ ЎЗЛАРИНИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЁТГАН «МОНАРХ Т.М.И.» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ТАДБИРКОРЛАРИ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ҚАДАМ ТАШЛАБ, ХАРИДОР ХОҲИШ-ИСТАГИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТИШМОҚДА.**

Мазкур хусусий корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — сифатли, хуштаъм, экологик тоза хом ашёдан тайёрланаётган майонез ҳамда кетчуплар аллақачон ички бозоримизда ўз ўрнини топган. Аҳоли эҳтиёжига мос чиройли, бежирим қадоқланаётган — шиша банкачалар, пластмасса идишлар, пластик пакетчалардаги маҳсулотлар турли ҳажмларда бўлиб, мижозларга қулайлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Эътиборли томони, майонез ҳамда кетчупларнинг энг нозиктаъб харидорларга ҳам мақбул бўладиган турларини яратиш устида ушбу корхона тадбиркорлари доимий изланишади ва ўз маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланишади.

Ўтган йили ушбу корхонада кичик тикувчилик цехи ташкил этилиб, 10 нафар фуқаро иш жойи билан таъминланди. Жорий йилда ҳам жамоа аҳли сифатга асосий эътиборни қаратган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишни режалаган.

## ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

**ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА, ҚАЛБ ВА ОНГИМИЗДА ОНА-ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ, УМРБОҚИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗГА АЛОҲИДА ҲУРМАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ЧУҚУР СИНГДИРИШДА МУСИҚАНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС ЭКАНЛИГИ СИР ЭМАС.**

Миллий чолғу асбоблари усталари, моҳир ҳунармандлар орасида Жамшид Мадраимовнинг нозик диди, юксак маҳорати, қалб қўри билан ясаган торли асбоблари шаҳримиздаги мусиқашуносларга яхши таниш. Устанинг дутор, танбур, рубоб, соз, тор каби чолғу асбоблари бежиримлиги, нақшларининг бетакрорлиги билан ажралиб туради ва айниқса, иш жараёнида пластик ҳамда кимёвий маҳсулотлардан фойдаланмасликка интилиб, иқлим шароитимизга жуда мос, инсон руҳияти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган табиий материаллардан тайёрлаш усули таҳсинга лойиқ. Унинг мукаммал ва хуш овозли чолғу асблоблари турли кўрик-танловлар, мусиқий фестивалларда кўплаб маротаба намойиш этилиб, эл олқишига сазовор бўлгани уста машаққатли меҳнатининг мевасидир.

Созгар уста ҳозирда Республика рассомлик коллежининг мусиқа асбоблари ясаш бўлимида таҳсил олаётган ўқувчилардан олти нафарига ҳунарининг сир-асрорларини эринмай ўргатмоқда.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

# МАҲОРАТ ВА ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Албатта, ҳар йилгидек бу гал ҳам кўрик-танлов иштирокчилари ўз кўргазмаларида эришаётган ютуқлари, келгуси режалари мужассами бўлган маҳсулотларини намойиш этиш баробарида фаолиятлари тўғрисида батафсил маълумот беришди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, кўргазмадаги ҳар бир маҳсулот иштирокчиларнинг маҳорат ва изланишлари далолати бўлиб, айниқса тадбиркорларнинг сифатли ҳамда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш йўлида хориждан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар қувватидан, илғор технологиялардан фойдаланаётганлиги қувонарлидир.

— Танловда қатнашиш истагини билдирган тадбиркор ва ҳунармандларимиз жуда кўп бўлди, — дейди туман Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашининг раиси Адиба Каримова. — Шуниси қувонарлики, уларнинг ҳар бири ўз ғоясига эга, уни амалга ошириш йўлида дадил одимлашмоқда. Энг сара иштирокчиларни танлаб олар эканмиз, янгилик яратиш, ташаббус кўрсатиш борасидаги интилишига, жаҳон андозалари даражасида тайёрланаётган маҳсулот турларига, экспорт ҳажмини оширишдаги ҳиссаларига, Ёшлар йили бўлгани боис ҳам ёшларга эътибор қаратдик. Яна бир эътиборли томони иштирокчи тадбиркорларимизнинг кўпчилиги замонавий технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланмоқда. Ҳунармандларимизнинг ишлари эса халқаро ярмаркаларда ўзбек амалий санъатини жаҳонга танитмоқда.

Чиндан ҳам «KLAND KON SHARQ» хусусий корхонаси цехлари жорий йилда Хитойдан келтирилган янги линия билан жиҳозланди, натижада ишлаб чиқарилаётган чарм маҳсулотларининг турлари ва сифати ортди. «E'TIQOD» хусусий корхонасига яқин кунларда Италиядан янги дастгоҳ келтириш кўзда тутилган. «DAVR SHAMS JIHOZ» масъулияти чекланган жамиятида экспортни йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқарилаётган мебеллар рақобатбардошлигини ошириш учун Туркия, Хитой ва Россия давлатларидан юксак унумли технологик линия ва ускуналар келтирилди. Бу, шубҳасиз тадбиркорларнинг замон талабини тўғри англаётганидан, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топишга интилаётганидан ёрқин далолатдир.

Кўрик-танловда туманда фаолият кўрсатаётган 5 нафар тадбиркор ва 6 нафар ҳунарманд иштирок этиб, белгиланган ҳар бир шарт бўйича билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Бажарилган шартларни баҳолашда эса танлов ҳайъати аъзолари холисликка интилишди. Айниқса, иштирокчиларнинг кўргазмалари, фаолиятлари тақдимоти, тест саволларига жавоблари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Мазкур кўрик-танлов биз тадбиркорлар учун ҳам синов, ҳам катта имконият, — дейди «E'TIQOD» хусусий корхонаси раҳбари Абдуғани Қосимов. — Шунинг билан бирга ўзаро ҳамкорликда катта аҳамият касб этади. «Ташаббус»нинг улкан рағбатлари эса нафақат меҳнатимиз ва маҳсулотимизни элга танитади, балки яна янгиликлар яратишга, шижоат кўрсатишга ундайди. Мен шундан бениҳоя мамнунманки, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган мебель турлари дизайни, мустаҳкамлиги, сифати билан хорижникидан асло қолишмайди. Яқинда Италия дастгоҳларини келтиришни режалаб турибмиз. Бу, албатта мебелларимиз дизайнида, турларида жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлади.

Бежизга «Рағбат — муваффақиятларга чорлайди» деб таъкидламаймиз. Кўрик-танлов ниҳоясида яққол кўрдикки, ғолиблар юзкўзларидаги мамнуният буни ёрқин ифодалаб берди. «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича 1-ўрин «E'TIQOD» хусусий фирмаси раҳбари Абдуғани Қосимовга, 2-ўрин «KLAND KON SHARQ» хусусий корхонаси директори Абдукарим Абдураҳмоновга, 3-ўрин «DAVR SHAMS JIHOZ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Шокировга насиб этди.

«Энг яхши ҳунарманд» номинацияси ғолиблигини сўзана кашталиги устаси Мадина Қосимбекова қўлга киритди. Ёғоч ўймакори Файзулло Юсупхўжаев 2-ўрин ва миниатюрачи рассом Шукриддин Рихсиев 3-ўрин соҳиблари бўлишди. Шунингдек, «Энг ёш тадбиркор» номинацияси ғолиблари ҳам аниқланди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди, барча иштирокчилар рағбатлантирилди.

Туманда 1-ўринни қўлга киритган тадбикоркор ва ҳунарманд «Ташаббус— 2008»нинг шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Албатта, бундай фахрга улар изланиш ва интилиш туфайли сазовор бўлганини таъкидлаш ўринли.

**Шарифа ИЛЁСОВА**





**СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

## ОЛИМПИАДА: БИРИНЧИДАН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИГАЧА

# МАШЪАЛА КОИНОТГА КЎТАРИЛДИ

**. . . 1976 ЙИЛ 13 ИЮЛЬ. ЮНОНИСТОННИНГ МУҚАДДАС ОЛИМПИДА КЎЗГУЛАР ОРҚАЛИ ЎТ ОЛДИРИЛГАН XXI ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ МАШЪАЛАСИ СПОРТЧИЛАР ТОМОНИДАН БИР-БИРЛАРИГА ЭСТАФЕТА ТАРЗИДА ҚЎЛДАН ҚЎЛГА БЕРИЛИБ, ПОЙТАХТ АФИНАГА КЕЛТИРИЛАДИ. БУ ЕРДА У ЛАЗЕР ОРҚАЛИ КОИНОТДАГИ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШГА УЗАТИЛАДИ. СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ЭСА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛГАН АЛАНГАНИНГ УЧҚУНЛАРИ БИЛАН КАНАДАНИНГ ПОЙТАХТИ ОТТАВАДАГИ МАШЪАЛАНИ ЁНДИРАДИ. ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ ЯНА ТЎРТ КУНДАН СЎНГ ЙИГИРМА БИРИНЧИ ОЛИМПИАДА МЕЗБОНИ – МОНРЕАЛЬ СТАДИОНИДА ПОРЛАШ УЧУН МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЙЎЛГА ТУШАДИ.**



**СУРАТДА: Монреаль Олимпиадасининг учта олтин медалига сазовор бўлган руминиялик гимнастикачи Надя Комэнэч.**

Инсоният тафаккури учқунни бир неча лаҳза ичида коинот орқали минглаб километр масофага етказиб беришга қодир бўлганлигига қойил қолган ҳолда унинг ўз курраи заминидаги муаммоларни ҳал этишда баъзан ожизлик қилишидан ажабланмасликнинг иложи йўқ. Монреаль Олимпиадаси атрофида ҳам кескин сиёсий танглик юзага келди. Бунга Канада ҳукуматининг 1975 йилда Тайвань ороли спортчиларига Олимпиадада иштирок этишларига рухсат бермаслиги тўғрисидаги баёноти сабаб бўлди. Тайванликлар ўйинларда "Хитой Республикаси" вакиллари сифатида иштирок этишларини билдирган эдилар.

Канаданинг энг йирик савдо шериги ҳисобланган Хитой Халқ Республикаси, табиийки, бунга йўл қўйилишига қатъий қарши эди. Биргина 1975 йилда ХХРга 307 миллион АҚШ доллари миқдорида дон экспорт қилган Канаданинг бу эътироз билан ҳисоблашмаслиги мушкул эди. Ўз навбатида Тайвань ороли олимпия қўмитасини тан олган Халқаро Олимпия Қўмитаси Канада ҳукуматининг бу баёноти олимпия тамойилларига зид эканлиги, ўйинларда спортчилар ирқий, диний ёки сиёсий сабабларга кўра камситилишига йўл қўйиб бўлмаслигини билдирди. ХОҚ Президенти Майкл Килланин ҳатто агар Канада ҳукумати ўз қарорини қайта кўриб чиқмаса Монреаль Олимпиада мезбони ҳуқуқидан маҳрум этилиши ҳақида огоҳлантирди.

АҚШ, бир қатор бошқа миллий олимпия қўмиталарининг ХОҚ нуқтаи назарини қатъий қўллаб-қувватлашлари Канада ҳукуматини муросасозлик қилишга мажбур қилди. Тайвань ороли олимпиадачиларига Монреаль ўйинларида иштирок этишларига, ўз ғолиб спортчилари шарафига мадҳларини ижро қилишлари, байроқларини кўтаришларига рухсат берилди. Аммо тайванликлар Олимпиадада "Хитой Республикаси" номида иштирок этишлари мумкин эмасди. Бу эса Тайвань ороли вакилларини қаноатлантирмади.

Тайванликлар Монреални тарк этишга улгуришмасдан Нигерия, Уганда, Замбия миллий олимпия қўмиталари агар Янги Зеландия спортчиларига бу ўйинларда иштирок этиш ҳуқуқи берилса, улар аввалроқ Танзания ва Маврикия томонидан Монреаль Олимпиадасини бойкот қилиш чақириғига қўшилишларини билдирдилар. Бунга Янги Зеландиянинг ирқчи сиёсати учун халқаро олимпия ҳаракатидан четлаштирилган Жанубий Африка Республикасига ўзаро мусобақалар ўтказиш учун ўз регби жамоасини юборгани сабаб қилиб кўрсатилди.

ХОҚ регби Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олмаганлиги учун Янги Зеландияга нисбатан жазо чораларини қўллашдан бош тортди. Бу қарор билан келишмаган қатор Африка давлатлари Олимпиада ўйинларида иштирок этишдан бош тортдилар. Бунинг устига Монреалга келган қитъанинг яна 21 давлати мусобақалар бошланганига қарамасдан Канадани тарк этди. Ўша кунлари ХОҚ Президенти Майкл Килланин ўз эсдаликларида: "Бу – фожеа. Шу ҳафта ҳаётимдаги энг мусибатли кунлар бўлса керак. Бу сиёсат, эҳтимол, спортчиларнинг жонига тегиб кетгандир", деб қайд этган эди. Аммо кейинги Олимпиада ўйинларидан ҳам, таассуфки, сиёсат спортга ўз тазйиқини доимо ўтказиб келганлигига беҳисоб гувоҳликлар келтириш мумкин.

Юқоридаги сабабларга кўра Монреаль Олимпиадасида 88 давлатдан 6189 спортчи, шу жумладан 1274 аёл иштирок этди. Шундай бўлсада унинг спорт натижалари юқори бўлди: бу ерда 82 та олимпия, шу жумладан 34 та жаҳон рекорди ўрнатилди. Бунга, одатдагидек, сузувчилар, енгил ва оғир атлетикачилар, мерганлар, камончилар энг катта ҳисса қўшдилар.

Ўйинлар дастуридан ўрин олган спортнинг бир қатор турларида Собиқ иттифоқ вакиллари устунликларини тўла намойиш этдилар. Жумладан, улар юнон-рум ва эркин кураш бўйича жами 20 олтин медалнинг 12 тасини қўлга киритдилар. Мусобақалар дастлабки марта янги тартибда, аввалги уч машқ ўрнига икки машқ (жим машқи бекор қилинди) ўтказилган оғир атлетикада эса совет спортчилари етти бор, болгарлар икки гал фахрий шоҳсупанинг энг тўрига кўтарилдилар.

Саратовлик Татьяна Казанкинага 800 ва 1500 метр масофаларга югуришда бас келадиганлар топилмади. У кейинги ўйинларда 1500 метрга югуришда ҳам ғолиб чиқиб, уч карра Олимпиада чемпиони бўлган.

Монреалда аёллар ўртасида спорт гимнастикасида руминиялик 15 ёшли Надя Комэнэч ҳеч муболағасиз мисли кўрилмаган машқлари билан ҳаммани лол қолдирди. У мутлақ биринчилик, алоҳида машқларда уч карра Олимпиада чемпиони бўлиш билан бир қаторда спорт гимнастикаси бўйича битта мусобақада беш марта ҳакамларнинг олий – 10 балл баҳосини олди.

Россиянинг Владимир шаҳридан бўлган Николай Андрианов Олимпиада ўйинларида эришган зафарлари билан руминиялик гимнастикачидан қолишмайди. У 1972 йилги ёзги Олимпиададаёқ уч – олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлган эди. Канадада эса ушбу гимнастикачи бир йўла тўртта олий нишонни мутлақ биринчиликда ҳамда алоҳида машқларда қўлга киритди. 1980 йилги Олимпиадада уларга иккита олтин ва битта кумуш медали қўшилиб, Николай Андрианов жами 15 та — 7 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медали эгаси ҳисобланади.



**СУРАТДА: учта Олимпиада ўйинларида етти марта фахрий шоҳсупанинг энг тўрига кўтарилган россиялик гимнастикачи Николай Андрианов.**

XXI Олимпиада ўйинлари тожикистонлик Нелли Ким учун ҳам жуда омадли бўлди. У спорт гимнастикаси бўйича аёллар ўртасида Собиқ иттифоқ жамоаси биринчилиги ҳамда алоҳида машқ учун иккита олтин, кўпкурашда эса кумуш медаль билан тақдирланди. 1980 йилги Олимпиада ўйинларида бу нишонлари яна иккита – жамоа биринчилигида ҳамда алоҳида машқ учун олган олтин медаллари билан бойиди.

Асли ўзбекистонлик Эльвира Саади спорт гимнастикаси бўйича иттифоқ аёллар терма жамоаси таркибида Монреалда иккинчи бор Олимпиада чемпиони бўлди.

Тўрт карра Олимпиада чемпионлари сафида москвалик Виктор Кривопусков ҳам бор. У Монреаль Олимпиадасида қиличда жамоа ҳамда шахсий биринчиликлар ғолиби ҳисобланади. 1979 йилда Халқаро қиличбозлик федерацияси — ФИЕ томонидан жаҳоннинг энг яхши қиличбози, деб эътироф этилган Виктор Кривопусков шундан тўрт йил кейин ўз она шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида ҳам ҳудди шундай зафар қуча олди.

Бокс бўйича олимпия турнирида собиқ иттифоқ спортчилари ўртасида тошкентлик Руфат Рисқиев энг яхши натижага эришди – кумуш медаль соҳиби бўлди. Канада рингида 75 килограмм вазнли боксчилар билан "жаңг"га киришган Руфат биринчи учрашувда ўзининг машҳур зарбаси билан финляндиялик Тайпалени нокаут қилди. Иккинчи "жанги"да болгариялик Илян Димитров ҳам ўзбек боксчиси зарбалари кучини тўлалигича ҳис этди. У икки бор нокдаунда бўлиб, мағлубиятини тан олди. Ярим финалда Руфатнинг жуда кучли кубалик "чарм қўлқоп" устаси Луис Мартинесга қарши рингга чиқишига тўғри келди. Жуда оғир кечган бу беллашувда ўзбек олимпиадачиси ўз маҳоратини исботлай олди. Ярим финал босқичига етиб келган беш нафар советнинг боксчисидан фақат угина чемпионлик учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Лекин аввалги учрашувда бутун кучини ишга солишга тўғри келганлиги сабабли у АҚШлик Майкл Спинксга имкониятни бой бериб, Олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори бўлди.



**СУРАТДА: Олимпиада ўйинларида аёллар ўртасида эшкак эшиш мусобақалари.**

"Пахтакор" ҳужумчиси Владимир Фёдоров Канадада Собиқ иттифоқ олимпия терма жамоаси таркибида майдонга тушди. Дастлабки учрашувларни муваффақиятли ўтказган футболчилар ярим финалда ГДР жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Аммо учинчи ўрин учун бўлиб ўтган ўйинда улар Бразилия футболчилари устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, бронза медаллари билан тақдирландилар.

Ана шундай бронза медалга асли ўзбекистонлик Олимпиада чемпиони Алжан Жармуҳамедов ҳам сазовор бўлди. Бу ўйинлардаги турнирда иттифоқ баскетболчилари АҚШ ва Югославия жамоаларини олдинга ўтказиб юбордилар. Аёллар ўртасида дастлабки марта ўтказилган мусобақаларда эса Собиқ иттифоқ баскетболчилари ғолиб чиқдилар.

Жаҳон кубоги соҳиби Собир Рўзиев ўзининг биринчи Олимпиадасида қиличбозлик беллашувларида жамоа таркибида тўртинчи ўринни эгаллади. Яна бир ўзбекистонлик олимпиадачи Валерий Дворянинов от спортининг учкураш мусобақаларида жамоадошлари билан бешинчи ўринни олди.

Йигирма биринчи Олимпиада ўйинларининг норасмий умумжамоа ҳисоби яна Собиқ иттифоқ спортчиларининг устунлигини кўрсатди. Улар 792, 5 очко ва 125 та (49 та олтин, 41 та кумуш ва 35 та бронза) медални қўлга киритдилар. Бу Олимпиада ўйинларида Америка Қўшма Штатлари спортчиларига иккинчи ўринни ГДР жамоаси аъзоларига бўшатиб бериб, учинчи ўрин билан кифояланишларига тўғри келди.

Австриянинг Инсбрук шаҳрида эса 1976 йил 4-15 февраль кунлари XII қишки Олимпиада ўйинлари ўтказилди. 37 давлатнинг 1123 спортчиси, шу жумладан 231 аёл бу мусобақаларда иштирок этишди. АҚШ спорт делегацияси 94, Собиқ иттифоқ-79, Австрия-74 нафардан иборат бўлса, Венгрия, Сан-Марино, Корея Республикаси жамоалари таркибида атиги иккитадан олимпиадачи бор эди, холос.

Қишки Олимпиада ўйинлари дастури янада кенгайтирилди. Эркаклар қишки спортнинг 8 – биатлон, бобслей, чанғи спорти, коньки, фигурали учиш, чана спорти, хоккей турлари бўйича мусобақалашдилар. Аёллар эса 5 та – тоғ чанғиси, чанғи спорти, коньки, чана спорти ва фигурали учишда Олимпиада медаллари учун кураш олиб бордилар. У ёки бу қишки спорт турининг жаҳонда қанчалик оммалашганидан уларнинг ҳар бирида иштирок этганлар сони яққол далолат берарди. Хусусан, Инсбрукда чанғи спорти мусобақаларида 106 эркак ва 42 аёл спортчи иштирок этган бўлса, Олимпиада чемпионлиги учун 100 эркак ва 42 аёл тоғ чанғичи кураш олиб борди.

Улар орасида комилик Раиса Сметанина номини келтирмасликнинг иложи йўқ. У Австрияда 10 километрга пойга ҳамда 4х5 километрга эстафетада олтин, 5 километрга пойгада эса кумуш медалларга сазовор бўлди. Чанғичининг спортдаги умрбоқийлиги ҳам ҳайратланарлидир. Раиса Сметанина 1980 йилги Қишки Олимпиадада 5 километрга пойгада олтин, 4х5 километрга эстафетада кумуш, 1988 йилда – 10 километрга пойгада кумуш, 20 километрга-бронза, ниҳоят 1992 йилги (!) мусобақаларда 4х5 километрга пойгада олтин медалларни қўлга киритди. Бошқача қилиб айтганда Раиса Сметанина тўрт карра Олимпиада чемпионидир. Унинг Қишки Олимпиадада олган бошқа медалларини ўзингиз санаб олаверинг.

Тоғ чанғичилари ўртасида эса австриялик Франц Кламмер фавқулодда тезлиги билан ҳаммани ҳайратга солди. У масофани соатига ўртача 102, 8 километр тезликда босиб ўтди. Умуман бу спортчи тоғ чанғисида шу пайтгача ҳеч ким эриша олмаган тезлиги, шу билан бирга мард ва жасурлиги билан ном қозонди. Беш мавсум давомида Франц Кламмер жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақаларнинг 23 тасида ғолиб чиқди.

АҚШлик Шила Янг Инсбрукда қишки Олимпиада шоҳсупаси барча поғоналарига кўтарилиш имконини берадиган олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлди. Аммо бу мукофотлар унга қишки спортнинг уч тури – 500, 1500 ва 10000 метрга конькида югуришдаги муваффақиятлари учун берилди. Қизиғи шундаки, Шила Янг ўша йили велоспорт бўйича жаҳон чемпиони ҳам бўлди.

Ўн иккинчи Қишки Олимпиадада фигурали учиш бўйича мусобақалар дастурига илк бор муз устида рақс жуфтлиги киритилди. Унда совет спортчилари Людмила Пахомова ва Александр Горшков ғолиб чиқдилар.

Чанғи мусобақаларида Собиқ иттифоқ спортчилари тўртта олтин медални қўлга киритган бўлсалар, ГДР олимпиадачилари ҳам бобслей ва чана спортида ҳудди шундай натижага эришдилар. Шайбали хоккей мусобақаларида бу сафар ҳам иттифоқ жамоасига тенг келадиганлар топилмади.

Норасмий умумжамоа ҳисобида Собиқ иттифоқ спортчилари бутун қишки Олимпиадалар тарихида рекорд – 135 очко тўплаб ҳамда 27 та (13 та олтин, 6 та кумуш ва 8 та бронза) медаль билан мутлақ биринчиликни қўлга киритдилар. Қишки Олимпиада ўйинларида ҳам ГДР жамоаси америкаликларни учинчи ўринга суриб қўйди.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**



**СУРАТДА: комилик тўрт карра Олимпиада чемпиони Раиса Сметанина.**

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Япон олими И.Окахата ҳид оғирлигини аниқлашга муваффақ бўлди. У қўш қаватли липиддан фойдаланиб, тўқима мембраналарининг компонентларидан бирида ҳидли моддаларни адсорбция (ютиш) қилиш хусусияти борлигини билиб олди. Бунда нанограммаларни ҳам аниқлай олувчи ўта юқори аниқликка эга кварц кристалларига эга торозидан фойдаланилди. Ҳидли органик моддалар молекулалари сувдан кўра органик эритувчилар (ёғлар, мойлар)да яхши эриши ҳисобга олингани ҳолда иш кўрилганлиги ҳам аҳамиятли бўлди. Ушбу усулдан косметикада ва озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиш мумкин.

● Инглиз олими П.Сениор «Дельта биотехнолоджи» компаниясида одамнинг сунъий гемоглобинини синтез қилиб олишга эришди. Пиво ачитқиси штамми геномига кислородни тўқималарга етказиб берувчи қоннинг муҳим компоненти киритилди. Натижада штамм тўқималари ўзга оқсиллар қаторида гемоглобинни ҳам ишлаб чиқара бошлади. Сўнгра бу гемоглобин одам организмидан ажратиб олинди. Таклиф қилинган усулнинг киши турли ҳалокатларга ёки касалликка дучор бўлиб қони камайиб кетганда қўлланилиши катта самара беради, деган фикрлар билдирилди.

● Сибирнинг Енисей дарёси юқори қисмларида ўтказилиб келинаётган археологик қазиш кутилмаган натижаларга олиб келмоқда. Майна посёлкаси атрофларида топилган лойдан ясалган ҳайкалчалар ва бошқа қатор буюмлар Давлат Эрмитажидан жой олган. Мазкур буюмлар қадимийлиги ва Ўрта Осиё ҳудудида топилган буюмларга ўхшашлиги билан қизиқиш туғдиради. Бу сибирликларнинг Яқин Шарқдан борган кишиларми ёки европаликларми деган саволга жавоб беришни янада қийинлаштиради. Масалан, 1990 йили топилган «тош ўғир» бундан 11 минг йил олдин ясалган бўлиб, ғалла майдалашда фойдаланилган.

● Ўлчовларнинг метр тизими Францияда буюк француз инқилоби даврида киритилган эди. Ўлчовларнинг янги тизимини ҳал қилишга ўша даврнинг машҳур олимлари Бертолле, Борда, Логаранж, Лаплас, Деламбр ва бошқалар жалб қилинган эди. Узунлик бирлигининг доимийлигини таъминлаш мақсадида олимлар уни ер шарининг ўлчовлари билан боғлашга қарор қилганлар. Олимлардан Деламбр ва Метр ер меридианининг ёйини ўлчаб, унинг чорагига тенг ёйнинг узунлигини топадилар. 1795 йил 7 апрелдаги қонунга биноан ер меридиани чорагининг 10 миллиондан бир бўлаги узунликнинг янги асосий бирлиги сифатида метр деб қабул қилинди.

● Ажралиш ҳақидаги ўзининг қарори тўғрисида эр ва хотин қанча фурсат мушоҳада қилиши керак? Италияда бунинг учун беш йил талаб этилади. Никоҳни бекор қилиш ҳақида мамлакатда янги қонун лойиҳаси тайёрланди. Унда ажралишни расмийлаштиришни беш йилдан уч йилга қисқартириш кўзда тутилган. Италияликлар ўртасида мазкур қонун лойиҳасига турлича муносабат билдирилмоқда. Уни исташдан кўра тезроқ парламент орқали ҳал этишга интилмоқдалар.

● Дунё супермоделлари орасида энг дарози австралиялик Элли Макферсом бўлиб, унинг бўйи 1,85 метр, бироқ бўй-басти ниҳоятда мутаносибдир. У 1994 йили «Сирети» фильмида бош ролни маҳорат билан ижро этиши билан бирга, аёллар ич кўйлаги ишлаб чиқарадиган кичик корхонадан йилига 8,30 миллион доллар даромад топадиган ягона аёлдир.

● Мабодо Англияга йўлингиз тушиб қолса, ҳаргиз итдан эҳтиёт бўлишни унутманг. Йўқ, тағин бу мамлакатда қопағон итлар кўп экан-да, деган хаёлга борманг. Аксинча, оёғингиз тагида ўралашган итни босиб кетсангиз, бошингиз нақд балога қолади. Чунки бу мамлакатда итни босиб кетиш одамни босиб кетишдан кўра оғирроқ жазони келтириб чиқаради. Гап итнинг қадри ҳақида бораркан, дунёнинг бошқа мамлакатларида бундай ғалати тартиб жорий этилганини кўриш мумкин. Масалан, Швеция ва Норвегияда итлар учун солиқ тўлаш жорий этилган. Хўш, ит солиғини тўлаш қандай тартибда амалга оширилади? Масаланинг бу томони янада қизиқ. Яъни, Швецияда ит эгаси итнинг бўйи пастбаландлигига қараб солиқ тўласа, Норвегияда итнинг узунлигидан келиб чиқиб, солиқ тўланади.

● Германияда карбонат ангидрид гази турли иситгич ўчоқлари ёки қозонларидан фильтрлар орқали ушлаб олиниб, улардан ўғитлар сифатида фойдаланилмоқда. Бошқа таркибий қисмлардан тозаланган газ иссиқхоналар ҳавосига қўшилади. Етарли миқдорда берилган газ ҳолдаги ўғит помидор, карам, бодринг ва бошқа баъзи экинларнинг ҳосилини 40 фоизга ошириши тажрибаларда маълум бўлди. Газ ҳолдаги ўғитнинг яхши томони шуки, аввало ерни бузмайди. Фотосинтез реакциясини тезлатади ва ҳосилни оширади. Нефть, кўмир, ўтин ва бошқа шу каби ёқилғиларнинг газларидан ҳам ўғит сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

● Ошиқ-маъшуқлар бир-бирлари билан дийдор кўришиш учун қандай усулларни ўйлаб топишмайди дейсиз. Араб мамлакатларида ҳамон амал қилиб келинаётган ислом шариатига кўра куёв ўз каллиғини биринчи марта тўйдагина кўради. Бироқ кувайтлик йигит Аҳмад ўзининг уддабуронлиги туфайли келинни кўриш у ёқда турсин, ҳатто узоқ вақт давомида унинг ота-онаси уйида бемалол учрашиб юрган. Йигит аёллар кийимини кийиб олиб, каллиғи ёнига бемалол кираверган. Қувайтда чиқадиган «Араб таймс» газетасининг ёзишича, бу найранг бехосдан фош бўлиб қолган. Аҳмад автомашинада каллиғининг уйига бораётганида миршаблар нимадандир шубҳаланиб, уни тўхтатишди. Миршабхонага келгандагина чодра ичидан аёл киши эмас, балки йигит чиқиб келган.

● Японияда денгиз маҳсулотларининг айрим чиқиндиларидан қандай қилиб фойдаланишни кўпдан бери топишолмаётган эди. Балиқ заводларида катта ва митти қисқичбақаларнинг, бошқа денгиз мавжудотларининг тоғ-тоғ коса қобиқлари тўпланиб қоларди. Аммо яқинда уларни қайта ишлаш технологияси яратилди. Эндиликда, ҳеч кимга кераксиздек туюлган ана шу хом ашёдан спортчилар кийим-кечаклари учун ниҳоятда пишиқ ва гигиена талабларига жавоб берадиган газлама ишлаб чиқарилмоқда.

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**Ёр улдир, кўнса гар ёр жафосига,**
**Орзусин кўндирса ёр ризосига.**

* * *

**Доно душман баланд кўтарар чандон,**
**Ерга урар сени дўст бўлса нодон.**

* * *

**Йўлингда чуқурни кўрсатган инсон,**
**Наздимда ҳақиқий дўстинг, бегумон.**

* * *

**Тинч битар ишга ҳам қилаверса жанг,**
**Демак, ул одамнинг ақлин босмиш занг.**

* * *

**Филдек зўр бўлсанг-у, шердек уришқоқ,**
**Наздимда, жангдан сулҳ минг бор афзалроқ.**

* * *

**Сулҳ истар кишининг кўнглин синдирма,**
**Сулҳ эшигин қоқса, сен жанг қидирма.**

* * *

**Сен ўлдирмасанг ёвни жангда дадил,**
**Сени ўлдирар у, буни яхши бил.**

* * *

**Истасанг дарддан дилинг озодлигин,**
**Ўйла ўзгалар дилин ободлигин.**

* * *

**Мол-дунё қўлга киргизмоқ ҳунармас,**
**Қўлингдан келса гар бир дилни овла.**

* * *

**Ёмонга яхшилик қилмоқ ёмондир,**
**Буни яхши билар ақли расолар.**
**Бўрига яхшилик – қўйлар бошига**
**Кетургай қанчадан-қанча балолар.**

* * *

**Гар иш битса лутфу яхшилик билан,**
**На ҳожат жанжалу ур-сур қилишдан.**

* * *

**Агар дур бўлсайди ҳар қатра шабнам,**
**Дурга тўлар эди мунчоқ бозор ҳам.**

* * *

**Мулойимлик билан юрмаса иши,**
**Ночор дағалликка киришар киши.**

* * *

**Кимки кечирмаса ўзини ўзи,**
**Кечирмас ўзга ҳам келганда кези.**

* * *

**Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,**
**Гулларга гул бўлгин, тиконга тикон.**

* * *

**Гар кўрсанг кўр киши олдинда чоҳдир,**
**Индамай ўтирсанг, катта гуноҳдир.**

* * *

**Ёмонликни кўрмасанг ўзингга раво,**
**Бировга ҳам уни қилма, биродар.**
**Агарда ўз онанг иззатин қилсанг,**
**Қил менинг онамни сўкишдан ҳазар.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 29 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Тошкент шаҳридаги «БЛАГОДАТЬ» номли Евангел хайрия жамиятининг фаолияти тугатилганлиги муносабати билан унга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 07.10.1998 йилда берилган №89-сонли гувоҳнома, жамият фойдаланиб келган бурчак штампи ва думалоқ муҳри

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Тошкент шаҳар прокурори Баҳриддин Валиевга онаси

**ИНОЯТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси, «Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» ДУК маъмурияти ва жамоаси Бош бухгалтер

**Абдукарим Саидкаримович КАРАТАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоаси институтнинг пульмонология бўлими кичик илмий ходими

**Мукаддам Хабибуллаевна НИГМАТУЛЛАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоаси институтнинг Гепатология бўлими бошлиғи Нодир Бокиевич Мухамедовга ўғли

**Шохрух МУХАМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.





*Кўргазмалар*

# АНЪАНАВИЙ ТАСВИР ВА КОМПЬЮТЕР УЙҒУНЛИГИДА

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАШКИЛОТЧИЛИГИДА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ АЪЗОСИ ВЛАДИМИР БУРМАКИННИНГ «КОМПЬЮФО МЎЪЖИЗАЛАРИ» НОМЛИ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

Республика Рассомлик билим юртида, сўнгра Тошкент театр ва рассомлик институтида халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев, хизмат кўрсатган санъат арбоби В.И.Жмакин, Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Раҳим Аҳмедовдан санъат сирларини ўрганган Владимир Бурмакин рангбаранг мавзуларни қойиллатиб тасвирлай оладиган, янгиликка интилувчан рассомлардандир. Биринчи шахсий кўргазмаси (рассом Рўзи Чориев билан ҳамкорликда) 1969 йилда Тошкентдаги билимлар уйида бўлиб ўтди.

Кейинги ўн йилликларда ўтказилган кўргазмаларида рассомнинг теран фикрлаши ҳамкасб дўстларининг ижодига бўлган эътиборини янада кучайтиради.

Владимир Бурмакин асарлари унга ҳамиша соғлом руҳ ва куч-қувват бағишлайди. Ижодининг гуллаб-яшнаган йилларида рассом юздан ортиқ рангтасвир ва график асарлар яратди. У ўзининг Ватани Ўзбекистонда ва Англия, Болгария, Германия, Польша, Россия, АҚШ, Туркия, Франция каби бир қанча хорижий давлатлардаги кўплаб кўргазмаларда иштирок этди. Асарлари дунёнинг кўплаб музейлари, галерея ва шахсий тўпламларида сақланмоқда. Худди шундай Гуммерсбах шаҳридаги ЭКЮ—Отел галереясида рассомнинг 200 га яқин асари сақланмоқда. Бу ерга у ижод қилиш учун келади. 2000—2001 йиллари Финляндия ва Нью-Йоркда бўлиб ўтган шахсий кўргазмасида 50 дан ортиқ асари намойишга қўйилди ва уларнинг ҳаммаси Америкада қолди. 2005 йил Москвада КЛАССИКА галереясида рассомнинг шахсий кўргазмаси очилди, кўргазмада унинг 24 та иши намойишга қўйилди.

Владимир Бурмакин кенг масштабдаги уста. Ф.Турсунов, В.Спивак, С.Розенблюмлар каби республиканинг таниқли архитекторлари билан Тошкентнинг янги кўринишда гуллаб-яшнашидек йирик-йирик лойиҳаларда ҳамкорлик қилди. Бунга мисол сифатида Халқлар дўстлиги саройи фасадидаги рельефлар, «Пахтакор» метро бекатининг безаклари, «Зарафшон» ресторани фасадидаги тасвирлар, Тошкент отчопаридаги мозаикаси ва бошқа кўплаб иншоотларни келтириш мумкин.

Рассом қирқ йилдан ортиқ умрини ўқитувчиликка бағишлади, Тошкентдаги нуфузли ўқув юртларида соҳа мутахассислигидан талабаларга сабоқ берди, ўнлаб қобилиятли усталарни тарбиялади.

Анъанавий тасвир ва компьютер имкониятларидан фойдаланиб тайёрлаган ушбу ижодий кўргазмасини рассом «Компьюфо мўъжизалари» деб атайди ва унга томошабинни ҳам чорлаб, уни соҳилсиз океан, чексизлик деб аталмиш санъат дунёсига олиб киради.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**
**Алексей Попов олган суратлар**

*2008 — Ёшлар йили*

# ИЛМ-ҲУНАР— ИНСОН ЗИЙНАТИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 2008 ЙИЛНИНГ ЁШЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ БИЗ ЁШЛАРНИНГ КЎНГЛИНИ ТОҒДЕК КЎТАРИБ ШУ БИЛАН БИРГА МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ЮКЛАДИ.**

Биз Тошкент саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари катта масъулият ва ғурур билан янги ўқув йилини бошладик.

Ахир яхши касб-ҳунар эгаси бўлиш инсоннинг энг катта зийнати бўлиб, унинг бутун ҳаёти давомида жуда катта фойда келтиради. Уни фароғатга, камолотга элтади ва ҳунар туфайли иззат-икром топади. Шунинг учун ҳам фарзандларини илмли, ҳунарли қилиб вояга етказиш миллатимизга хос хислатлардан биридир.

Ҳар йили юзлаб ўғил-қизларни касб-ҳунар эгаси қилиб катта ҳаётга кузатаётган касб-ҳунар коллежимиз замонавий асбоб-ускуналар, ўқув услубий қуроллар, кўргазмали воситалар, ахборот технологиялари ва компьютерлар билан жиҳозланганлиги, ўқув бинолари, устахоналарининг ташқи ҳамда ички кўринишининг чиройлилиги, кўркамлиги ва замонавийлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўқув масканимизда умумий билимлар асослари билан бир қаторда ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассис бўлиб етишиши учун берилаётган таълим миллий қадриятларимизга ҳурмат, мустақил давлатимизга содиқлик ва ифтихор туйғулари руҳидаги тарбия билан муштаракликда амалга оширилади.

Буюк бобомиз Кайковуснинг «Қобусномa» асарида ҳунар ҳақида шундай дейилади. «Қачонки сен ўзингда ҳунарни кўрсанг, сенга ўхшаганларда бундай фазилат бўлмаганлигини билсанг, ўзингни бошқалардан юқори деб ҳисоблайсан ва улар ҳам сени ўзларидан кўра баланд мартабали деб билурлар». Бундан кўриниб турибдики ҳунарли инсон ҳор бўлмайди. Шундай экан биз ёшлар мустақил давлатимиз ва Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан қувват олиб илм-ҳунарни пухта ўрганиб, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етиб, Ватанимиз равнақига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

**Замира АҲРОРОВА,**
**Тошкент саноат касб-ҳунар коллежи талабаси**

**XX АСРНИНГ БУЮК КАШФИЁТЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАР XXI АСР БОШЛАРИГА КЕЛИБ БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗГА ҲАМ ШИДДАТ БИЛАН КИРИБ КЕЛА БОШЛАДИ. БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ ЭСА УШБУ ҚУРИЛМА МАМЛАКАТИМИЗ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТИР.**

*Мулоҳаза*

# УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

Бироқ уяли телефондан кимлар фойдаланади, деган савол бизни бироз мулоҳазага ундайди. Чунки ушбу қурилма эгалари ундан қаерда, қандай, қачон фойдаланиш мумкин эканлигини унутиб қўймоқдалар. Биргина мисол: мактаб, лицей, коллеж ўқувчи-ёшлари ёки олий ўқув юрти талабалари ўртасида дарсларда ўтирган вақтларида уяли телефондан радио ўрнида фойдаланиш, қандайдир ўйинлар ўйнаб ўтириш ёки бўлмаса биров билан бемалол суҳбатлашиш ҳоллари кузатилмоқда. Бу эса албатта ёшлар фикрининг чалғишига, ўқитувчи маърузасига бефарқликни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари жамоат жойлари, транспорт воситаларида уяли телефон орқали овознинг борича сўзлашиш жамоатнинг ҳақли равишда ғашига тегмоқда. Бундай ҳолатларга дуч келмаслик учун аввало ёшларда уяли телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантирмоғимиз даркор деб ўйлаймиз. Қолаверса мактаб, лицей ўқувчиларига уяли телефонлардан мактабдан ташқарида фойдаланиш кераклигини ота-оналари тушунтирсалар ҳаммага фойдали ва турли нохуш ҳолатларнинг олдини олган бўлар эдик.

**Зоҳиджон АҲРОРОВ**

*Кунлардан бир кун*

# ТАҲАЛЛУС ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида овқатланиб ўтирган эдик, гурунг асносида кимдир шундай деб қолди:

— Ҳиндистонда биз томонлардан бориб қолган бир шоир бор экан. Тахаллуси ҳам ғалати — «Урфий» эмиш. «Урф» дегани «модний» маъносида бўлса керак-да, қизиқ...

— Аслида кўпчилик ўз туғилган юртини тахаллус қилиб олади, Хоразмий, Самарқандий, Андижоний дегандек ...

Шу тарзда гурунг давом этаётган эди, ёзувчи Шукур Холмирзаев бирдан «пиқ» этиб кулиб юборди. Ҳаммамиз «ялт» этиб унга қарадик. Шукур ака кулгининг сабабини изоҳлаб, шундай деди:

— Мабодо, Ваҳшлик одам шоир бўлиб қолса, тахаллуси ... Ваҳший бўларкан-да!

# АФАНДИГА ЎХШАЙДИ

Тажрибали ношир ва журналист Эркин Сиддиқов қувноқ ва ҳазилкаш одам эди. У содда ва ишонувчан ҳамкасби, раҳматли шоир Шамси Одилга тегажоқлиқ қилавериб, боёқишнинг ҳоли-жонига қўймас, турли шумликларни ўйлаб топишдан эринмас эди. Бир куни у гўё нашриёт ходимларига дала ҳовли учун берилган ерни тақсимлаб, ўзича рўйхат тузади. Олдиндан керакли одамлар билан тил бириктириб олгач, Шамси аканинг хонасига кириб, рўйхатни атайлаб тушириб қолдиради. Шамси ака рўйхатни ўқиб, гап нимадалигини сўраб-суриштиргач, жиғибийрони чиқиб, директор Абдулазал Ваҳобов ҳузурига ошиқади: нега бошқалар олади-ю менга йўқ? Шунча йил ҳалол ишлаб келаётган бўлсам?! Эркин ким бўлибди ўзи? Ким унга ваколат берибди?

Директор ёрдам беришга ваъда қилиб, Шамси акани зўрға шаштидан туширади.

Ҳазилнинг энг қизиғи кейинроқ чиқади. Дала ҳовли ҳақидаги гаплар, ҳар хил миш-мишлар негадир тиниб-тинчиб кетавермайди. Бу гап бошқа жойларга ҳам ёйилади. Таниш-нотаниш одамлар оғзида ҳам ҳар куни шу гап. Ахийри Эркин аканинг ичи қизиб, директор ҳузурига киради.

— Абдулазал ака, шу... дача тақсимланаётганда биз ҳам қолиб кетмайлик, илтимос...

Директор қарайдики, Эркин ака жиддий гапиряпти. Ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб кулади:

— Вой Афанди-ей! Худди болаларни ёнғоқ бор дея алдаб, орқасидан ростга ўхшайди деб ўзи ҳам чопган Афандига ўхшайсан-а! Ахир бу гаплар ўша — ўзинг тўқиган ҳазил — уйдирманинг оқаваси-ку!

Ўз ҳазилига ўзи лаққа тушган Эркин ака қорнини чанғаллаб кулади.

# ТЎСИНБОП ҚЎЛЁЗМА

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига халқ ёзувчиларидан бири янги ёзган романидан парча олиб келади. Газета бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев парчани варақлаб кўраркан, муаллифга шундай дейди:

— Буни энди озроқ қисқартириб босамиз-да.

— Илтимос, укажон, иложи бўлса қисқартирмасангиз. Шу... десангиз, яхши ният билан катта иморат қураётгандим. Тўсинга озроқ маблағ етмаяпти.

— Майли, яна ўйлашиб кўрармиз.

Хуллас, романдан парча барибир қисқарган ҳолда босилади. Орадан бир неча кун ўтгач, бош муҳаррирни таҳририят йўлагида учратиб қолган муаллиф оғринибгина иддао қилади:

— Аҳмаджон, укагинам, парча қисқариб кетибди-ку? Энди нима бўлади?

— Энди... тўсиннинг орасини узоқроқ қўйворасиз-да!

**Шодмон ОТАБЕК**

*“Тошкент оқшоми” саломатлик хизмати*

# ЙОД БИЛАН ДАВОЛАНМАЙДИ...

**Таажжубки, ҳозирги вақтда тери саратони касалланишлар бўйича эркаклар ўртасида учинчи, аёллар ўртасида эса – иккинчи ўринга чиқиб олган. Таажжубланарлиси шундаки, бу хасталик ҳамманинг кўз ўнгида пайдо бўлади ва ривожланади. Лекин, нима учундир, уни пайқамаймиз...**

— Йўқ, кўрамиз-у, эътибор бермаймиз, **— дейди тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммаджон Миршарипов.** – Терида қандайдир бир қаттиқлашган жой ёки одатий хол бирданига икки-уч марта катталашиб, оғриқ пайдо қилганига кўзимиз тушиб, унга йод суртиб қўйиш ёки карам баргини қўйиб боғлаш ёхуд ниманидир суртиб, устини беркитиб қўйишга интиламиз. Шифокорга мурожаат қилиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ниҳоят врач ҳузурига етиб борганимизда эса, вақтни қайтариб бўлмайдиган тарзда бой берганимизни англаймиз.

Теридаги ҳар қандай ўзгаришларга эътибор билан қараш керак. Чунки ҳар бир инсонда туғма пигментли доғлар бўлади. Айнан ўшаларга биринчи галда эътибор бериш энг тўғри йўлдир. Кўпгина холлар орасида фақат биттаси хавфли бўлиши мумкин. Теримизда қандайдир ёқимсизлик пайдо бўлаётганини пайқаш жуда осон. Ундаги ҳар қандай янги ўзгариш яхши кўриниб туради. Терида кичкинагина қаттиқлик пайдо бўлиши билан онколог ёки дерматолог шифокорга мурожаат этиш лозим.

Бунинг иложи бўлмаган ҳолларда, ҳеч бўлмаса, терапевт ҳузурига бориш керак. Хол ёки туғма доғ тўсатдан катталаша бошлаганида шифокорга мурожаатни кечиктириш мумкин эмас. Теридаги ҳар қандай чиқиқлар, папилломалар, сўгалларни, улар ҳали безарар вақтида олдириб ташлаган маъқул. Шунда кейинчалик ташвишга қолмайсиз.

Тери саратони уч хил кўринишда бўлади: *базалиома, яссиҳужайрали тери саратони ва меланома.* Саратон турларидан бирига кирса ҳам базалиома метастаза бермайди ( яъни саратонли хужайраларни томирларда оқаётган қон ва лимфалар орқали бошқа аъзоларга ўтказиб юбормайди), фақат ўз жойида ўсиб, тўқималарни емиради. Бу жараён жуда секин кечиши туфайли кўпинча унга эътибор беришмайди. Лекин у ичга қараб ўсади ва кўпроқ тананинг очиқ жойларини – юз ва қўлларни “ёқтиради”. Одатда, базалиомани жарроҳлик йўли билан олиб ташланади ёки унинг радиосезгирлигини ҳисобга олиб, рентген терапиясини қўллашади. Ёҳуд суюқ азот, лазер нуридан фойдаланилади.

Яссиҳужайрали тери саратони осилмачоқ тошма кўринишида пайдо бўлиши ёки терида гулкарамга ўхшаш зичликлар ҳосил қилиши мумкин. Яссиҳужайрали саратон метастаза бериши туфайли фақат теригина эмас, ички аъзолар ҳам жароҳатланади.

Меланома – энг хавфли зарарли ўсимта ҳисобланади. Кўпинча меланома оддий пигментли доғга ўхшайди ва 10-15 йил давомида “ухлаб ётиб”, кейин бирданига тез ривожлана бошлайди. У жуда тез олисдаги аъзолар ва тўқималарга “илдиз отади”.

Агар меланома тери остидаги ёғли бириктирувчи тўқималарга қараб ўсса, ҳозирги замон даволаш усулларида (жарроҳлик, нур билан, дори-дармонлар билан даволаш усулларида) беморларнинг атиги 30-50 фоизи беш йилгача умр кўради.

Қуёш нурлари мелономага ўғитдай гап. Терида азалдан меланоцитлар – қуёш нурлари таъсирида нормал ҳолатдан зарарли хужайраларга айланадиган ҳамда жадал ва тартибсиз бўлиниб борадиган хужайралар мавжуд бўлади. Бунинг устига, улардан ажралиб чиқадиган заҳарли моддалар ҳисобига организм интоксикацияси (заҳарланиши) рўй беради.

Шимолий Европада унинг жанубидаги аҳолига нисбатан меланома кўпроқ учраши кузатилган. Тадқиқотлардан аниқланишича, шимолий европаликлар бир йиллик меҳнатдан кейин дам олишга жанубга боришади ва жуда қисқа вақт ичида яхши ҳордиқ чиқариб, табиийки, қуёшда кўпроқ тобланишни исташади. Жануб кишиларининг териси қуёш нурлари таъсирига у қадар кучли берилувчан эмас, чунки уларнинг терилари бунга мослашган бўлади. Дам олишга келган одам икки ҳафта мобайнида зўр бериб қуёш нурларида тобланадиган бўлса, унинг терисида саратон касаллиги ривожланиш хавфи 5 маротаба ошиб кетади. Мабодо, бир ой мобайнида қуёш нурлари остида тобланилса, бундай хавф 15-20 мартага ортади.

Чалқанча ётиб қуёш нурларида тобланадиган аёллар шифокорларнинг айниқса кўп жаҳлини чиқаришади. Зеро, аёллар кўкраги қуёш нурларига шу қадар сезгир бўладики, келажакда фақат тери саратони эмас, балки кўкрак безлари саратони юзага келиши мумкин. Ҳозир терининг қорамтирлиги гўзаллик ҳисобланади, албатта. Бироқ, муккадан кетиб қуёшда тобланиш охир-оқибатда терининг тез қаришига олиб келишини ҳам унутмаслик керак.

Дарвоқе, шаҳарларда истиқомат қилувчилар дала ҳовлиларига оммавий сафар уюштиришганида, улар ҳам жадал ультрабинафша нурлар таъсирига дуч келишади. Агар шаҳарда уларни турли газлар, чангтўзонлар аралашмасидан иборат ҳаво қатлами қуёш нурларининг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимоя қилса, ультра-бинафша нурлар тўппа-тўғри таъсир қиладиган далаларда улар ўзларини катта хавфга солиб қўйишади.

Албатта, бу билан, умуман қуёшда тобланиш мумкин эмас экан, деган хулосага келиш хато бўлур эди. Тобланиш мумкингина эмас, зарур ҳам – фақат муайян муддатларда – яъни тахминан соат 11 ларгача ва соат 16 дан кейин қуёшга чиқиш керак. Дастлаб қуёшда тобланишни бир неча дақиқадан бошлаш лозим. Агар кун давомида ҳаммаси бўлиб қуёшда тобланиш бир соатдан ошмаса, айни муддао бўлади ва организм зарар кўрмайди.

Қуёш нурларида тобланиш қоидалари ҳақида оммабоп тарзда ёзилган рисолалар оз эмас. Дам олишга боришдан олдин уларни ўқиб, керакли билим ва тасаввурга эга бўлиш сизни турли ёқимсиз асоратлардан асрайди.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3456

Буюртма Г-106

Топширилган вақти: 14.25